Ёшлар ва маҳалла фаоллари билан учрашув ўтказилди

// 17 Sentabr 2024 йил
https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yoshlar-va-mahalla-faollari-bilan-uchrashuv-utkazildi



Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон-2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш ва маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи томонидан «Ўзкимёсаноат» АЖга бириктирилган оғир тоифадаги ёшлар ва маҳалла фаоллари билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда Паркент туманининг «Кунгай», «Нуробод», «Ўчоқ», «Сой» ва «Теман» маҳаллалари раислари, ёшлар етакчилари, профилактика инспекторлари, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоллари иштирок этишди.

Унда ажрим ёқасида бўлган ёш оилаларни яраштириш, 26 нафар ёшни оғир тоифадан чиқариш масалалалари кўриб чиқилди.


Uzkimyosanoat
BUYUK SIYMOLARI
"O'zkimyosanoat" AT
MATBUOT XIZMATI
uzkimyosanoat
uzkimyosanoat.uz
(+99878) 140-74-26



«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати